"Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонаси билан "Азимжон авто транс" МЧЖ ўртасида ички йўлларни жорий таъмирлаш ишлари бўйича тузилган

**ШАРТНОМА № П-2022-253**

Андижон шаҳри. 05 октябрь 2022 йил.

Кейинги ўринларда ***"Буюртмачи"*** деб юритиладиган "Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш юрувчи директори Т.Мирзаев бир томондан, матнда кейинги ўринларда ***"Пудратчи"*** деб юритиладиган "Азимжон авто транс" МЧЖ Низоми асосида иш юрувчи раҳбари А.Жураев иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1.**"Пудратчи"** ушбу шартнома шартларига мувофик **Олтинкўл тумани Иттифок МФЙ Саховат кўчасини** жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. **"Буюртмачи"** эса **"Пудратчи"**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий хужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **200 000 000** (икки юз миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдикланиб молиялаштирладиган маблаги аникланганидан сўнг тегишли Газначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки махаллий бюджетдан **"Буюртмачи"**нинг махсус хисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида **"Буюртмачи"** томонидан бажариладиган ишлар кийматининг 30% пул маблағлари аванс тарикасида **"Пудратчи"**нинг хисоб ракамига ўтказиб берилади.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки махаллий бюджетдан **"Буюртмачи"**нинг махсус хисоб рақамига туширилганидан сўнг, **"Пудратчи"** томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида мазкур шартномага илова килинган тўлов жадвалига асосан ўтказиб беради.

2.4. **"Пудратчи"** томонидан иш тўлик бажариб топширилиб, кабул килиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 30 октябрь кунига кадар **"Буюртмачи"**га топширилиши шарт хисобланади. Кўрсатилган муддатда **"Пудратчи"** томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан **"Буюртмачи"** томонидан молиялаштирилиш масаласи қайта кўриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар **"Буюртмачи"** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**"Пудратчи"нинг мажбуриятлари:**

3.1. Мазкур шартномага илова килинган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва иловада кўрсатилган жадвал асосида белгиланган ойларда ишларни кўрсатилган муддатларда бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдикланган смета хужжатларига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда бажариш хамда **"Буюртмачи"**га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.

Объектнинг ижро хужжатларини тулик расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиклик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва хисоб варак фактуралар (юк хати)дан нусха таклим этади.

3.3. **"Пудратчи"** мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга гайёр холда топширилиши учун **"Буюртмачи"** олдида тулик мулкий жавоб беради. **"Пудратчи" "Буюртмачи"** олдида ёрдамчи пудратчи уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг окибатлари учун хам жавобгар булади. **"Буюртмачи" "Пудратчи"** билан тузган шартномалар бузилиши билан боглик талабларни ёрдамчи пудратчиларга куймайди.

3.4. **"Пудратчи"** геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булик укларининг мувофиклиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аникланса, **"Пудратчи"** тегишли тузатишларни уз хисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **"Буюртмачи"**нинг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу хакда хабардор килинмаган булса, ёки кечикиб хабардор килинган булса, у холда унинг талаби буйича **"Пудратчи" "Буюртмачи"**нинг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача **"Пудратчи"** курилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. **"Пудратчи"** дафтар (журнал)да **"Буюртмачи"** томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланишига **"Пудратчи"** тулик жавобгар булади.

**"Пудратчи"нинг хукуклари:**

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинадиган аванс хак туланишини ва ишни бажариб топширгандан сунг тула хажмда хисоб китоб килинишини талаб килиш.

Бажариб берилган ишни кабул килиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни копланишини талаб килиш.

3.9. Лойиха-смета хужжатларида бажарилиши кузда тутилган иш хажмлари **"Пудратчи"** томонидан тулик ва сифатли бажарилиб, айрим иш хажмлари ва харажатлари смета хужжатларида кузда тутилган маблаглардан амалда иктисод килинса, ушбу маблагни айрим харажатлар буйича курилиши мумкин булган зарарни ва кушимча бажарилиши лозим булган иш хажмлари харажатларини коплаш учун объектнинг умумий киймати доирасида асословчи хужжатлар асосида **"Буюртмачи"**ни хабардор килган холда йуналтирилиши мумкин.

3.10. **"Пудратчи"** зарур холларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар урнига, уз имкониятлардан келиб чиккан холда, уриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини курсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.11. Бажарилган ва молиялаштириш учун кабул килинган иш хажмларида арифметик хато ва бошка камчиликларга йул куйилганлиги аникланганда, кейинги ойларда бажарилган иш хамжлари тегишли узгартиришлар (корректировка) киритилган холда расмийлаштирилади.

**"Буюртмачи"**нинг мажбуриятлари.

3.12. Тасдикланган лойиха-смета хужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий хужжатлар талаблари даражасида кабул килиб олиш.

3.13. Бажарилган ишлар учун хак туланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кура, ишни бажариб топширгандан сунг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кура тула хажмда хисоб китоб килинади.

**"Буюртмачи"**нинг хукуклари:

3.14. **"Пудратчи"**дан амалдаги давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминланиши талаб килиш.

3.15. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошка шахс томонидан тўгриланиши харажатларини копланишини талаб килиш.

3.16. **"Пудратчи"**дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда кабул килиб олиш.

3.17. **"Пудратчи"** томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш хужжатларига мувофиклигини назорат килиш.

3.18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.

3.19. Агар **"Пудратчи"** шартномани амал килиш муддати давомида белгиланган объектни **"Буюртмачи"га** топширмаган такдирда, **"Буюртмачи"** мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг бажарилган ишлар учун маблаг бериш мажбуриятини олмайди.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. **"Пудратчи"** объектни ўз вактида топширмаганлиги учун **"Буюртмачи"**га хар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган кисмининг 0,5%и микдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар бахосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аникланган камчилик ва нуксонлар **"Пудратчи"** томонидан ўз вактида бартараф килинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, **"Буюртмачи"** тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20% и микдорида жарима ундирилишини талаб килиш хукукига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун **"Буюртмачи"** томонидан ўз вактида хак тўланмаса, хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % микдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % микдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик окибатида етказган зарарларни коплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўгрисида"ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

## V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки кисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чикилади.

5.2 **"Пудратчи"** нинг мазкур шартномани бажариши учун бошка шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўклиги, **"пудратчи"** да зарур маблагларнинг бўлмаганлиги форс-мажор холатларига кирмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик ўзгартирилиши ва бекор килиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблагни молиялаштирилиши билан боглик муаммолар келиб чиккан такдирда **“Буюртмачи”** ва **“Пудратчи”** узаро келишув асосида шартномага узгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун кабул килинади.

6.3. Мазкур шартнома буйича юзага келиши мумкин булган низо ва келишмовчиликлар узаро муҳокама йуллари билан ҳал этилади. Агарда узаро муҳокама йули билан ҳал этиш имкони булмаса, Қонун хужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иктисодий суди оркали ҳал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1 Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан (Узасбо дастури) руйҳатдан утган кундан кучга киради.

7.2.Томонларнинг келишувига кура ишларнинг топшириш муддати аванс олинган кундан бошлаб **30** кунни ташкил этади.

7.3.Ишларини бажариш буйича маблаг "Автомобиль йулларни ривожлантириш Андижон ҳудудий максадли жамгармаси" томонидан "Буюртмачи"нинг махсус хисоб ракамига 2022 йил 31 декабрга кадар ажратилмаган такдирда мазкур шартноманинг амал килиш муддати кайта куриб чикилади.

7.4. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳукукий жиҳатдан тенг кучга эга.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БУЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Шартнома буйича уз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга карши курашиш буйича коидаларга, шу жумлада амалдаги конунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимларига пора бериш ёки беришда воситачилик килиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларини олдини олиш буйича чора-тадбирлар кабул килишини кафолатлайди.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| **“БУЮРТМАЧИ”** | **“ПУДРАТЧИ”** |
|---|---|
| Андижон минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси<br>Андижон ш. А.Йулдошев кучаси 30-уй.<br>Тел/факс: 227-66-36 226-88-90<br>ш/х: 30452186003401704512911815З<br>СТИР 304917491<br>ОКОНХ: 42110<br>Уз. Р. Молия Вазирлиги Ғазначилиги<br>Ғазна х/в 23402000300100001010<br>Банкнинг номи: ...<br>МФО: 00014<br>Ғазначилик ... СТИР: 201122919 | «Азимжон авто транс» МЧЖ<br>Баликчи тумани Авесто МФЙ<br>А.Султонов кучаси 69<br>" Микрокридит банк " Андижон вилоят булими<br>х/р: 20208000600561851001<br><br>МФО: 00078<br><br>ИНН: 207 235 829 |
| **Директор:** ________ **Г.Мирзаев** | **Раҳбар:** ________ **А.Жураев** |
| **Бош юрисконсульт:** ________ **З.Джаборкулов** | |

**ТАСДИҚЛАЙМАН**
Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи
хизмати ДУК Бош мухандиси

**Ф.Қаюмов**

05 октябрь 2022 йил

Андижон шахар

Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУК томонидан Олтинкул тумани Иттифок МФЙ Саховат кўчасини жорий таъмирлаш ишлари учун 30.09.2022 йил кунги лот № 154229 билан энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

**Б А Ё Н И № 4**

**Қатнашдилар:**

Ф.Қаюмов - *Бош мухандис*
Ш.Қурбонов - Бошлик ўринбосари
А.Қурбонов - Молия бўлим бошлик
Д.Мадрахимов - ИЧБ бўлим бошлик
О.Алиев - Тендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлим бошлик
А.Исраилов - Лойиха таъминоти бўлим бошлик

**Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:**

1. "Азимжон авто транс» МЧЖ
2. "Водий йўл транс курилиш» МЧЖ

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар бахолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида мухокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан хеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи "Азимжон авто транс » МЧЖ билан шартнома имзолансин хамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш Комиссия котиби О.Алиев зиммасида қолдирилсин.

**Комиссия аъзолари** Ш.Қурбонов

А.Қурбонов

Д.Мадрахимов

А.Исраилов

**Йиғилиш котиби:** О.Алиев